*ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР УНИВЕРСИТЕТИ*

# КОММУНИСТИК МЕҲНАТ МАКТАБИ

**«Съезд мўлжаллаб қўйилган иқтисодий ва социал вазифаларни муваффақиятли амалга оширмоқ учун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини бутун чоралар билан ошириш, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида меҳнат унумдорлигини тез суръатлар билан оширишга эришиш зарур, деб ҳисоблайди»**

(СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXIV СЪЕЗДИНИНГ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҲИСОБОТ ДОКЛАДИ ЮЗАСИДАН РЕЗОЛЮЦИЯСИДАН).



Партия иқтисодий ўқуви машғулоти. Ўнгда — пропагандист С. Исматов.

## ДАВР ТАЛАБИ

«Ташкенткабель» заводининг цех ва участкаларида корхона ҳаётига янги мазмун бағишлаётган ишчилар, инженер-техниклар эртанги режалар ва ширин туйғулар билан яшамоқда, янги беш йиллик баҳори нафаси дилларни яшнатмоқда. Ҳа, 70-йиллар ишчилари, техника тараққиётининг байроқдорлари бўлган инженерлар, конструкторлар, технологлар, электриклар ва ишчиларнинг ёш гвардияси, уларнинг фикр-ўйлари, интилишлари, меҳнат симфонияси, иқтисодий билимларини тинмай ошираётган коммунистик меҳнат мактабининг ана шундай бунёдкорлари бизни ўз ҳузурига даъват этди.

Биз мана шу қалби олов машинасозлар — кабелчилар ҳузуридамиз. Иккинчи смена тугаш олдида 55-цехнинг иқтисодий билимлар машғулотлари ўтказиладиган ўқув хонасига кирамиз. Бу ерда аллақачон кўпчилик тўпланган. 25 ёшлар чамасидаги қотмадан келган йигит хонада йиғилганларнинг ҳаёлини, диққат-эътиборини ўзига жалб этган. У завод марказий лабораториясининг наладчиги, тажрибали ёш мутахассис Станислав Чебанец эди. У цехда янги ишга туширилган полиэтелен телефон кабели ишлаб чиқарувчи поток линиясининг ўзига хос томонлари, техника расчётларини тенгдошларига тушунтириб берарди. Ахир, ҳар бир ишчи янги поток линияни цехда қандай қилиб қўллаш, унинг технологияси ва ҳисоб-китобини яхши билиши шарт-да. Станислав деворга илиб қўйилган хилма-хил кабель маҳсулотларини ва уларни ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган рангли материаллар диаграммаларини изоҳлар, айрим рақамларни доскага ёзиб кўрсатарди. Станислав Чебанецнинг суҳбати охирига етди. У хурсанд бўлган ҳолда бўш парталардан бирига бориб ўтирди.

Ҳамма тингловчи жамул-жам бўлгач, хонага юзларидан нур ёғилиб турган, кўзлари чақмоқ, сочларига сал-пал қиров оралаган 35 ёшлар чамасидаги пропагандист Султон Исматов кириб келди. У тингловчилар рўйхатини кўздан кечириб, ҳаммага бир-бир назар ташлаб чиқди. 16 тингловчининг ҳаммаси машғулотга тўла қатнашаётганидан кўнгли тўлиб, янги машғулотни бошлади.

Султон ака аввал ўтилган «Ҳозирги шароитда партиянинг иқтисодий сиёсати» деган темани савол-жавоб, суҳбат йўли билан мустаҳкамлаб, янги темага ўтди.

— Бугун, — деди у тингловчиларга маъноли боқар экан, — «Совет жамиятининг социал-сиёсий ривожланиши ва партия вазифалари» деган темани ўтамиз.

Султон Исматов коммунистик меҳнат ҳаракати мактаби тингловчилари диққатини ўтиладиган тема юзасидан муҳим масалаларга жалб этди.

Султон Исматов корхонанинг тажрибали, мўъжизакор яратувчи, машинасоз ишчилари орасида камол топган. У завод қучоғига 1957 йили оддий ишчи бўлиб келган эди. Завод маъмурияти янги ишга келган ёшнинг нимага қизиқиши, билими, савиясини ҳисобга олади. Султон ҳам ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда завод қошида ташкил этилган техника мактабини муваффақиятли тамомлади. Электрик-техник мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом олди. Мана ҳозир у 55-цехнинг бош электриги, коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи. Айни вақтда у моҳир пропагандист ҳам.

Завод партия комитети уни 1963 йилда цех ишчиларининг партия ўқувига пропагандист қилиб тайинлаганди. Бу йил корхонада коммунистик меҳнат ҳаракати мактаби ташкил этилиши билан Султонни шу мактабнинг пропагандисти этиб тайинлашди. Ахир у бу соҳанинг санъатини жуда яхши эгаллаб олганди-да. Унинг самарали меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Унинг кўксида «Ҳурмат белгиси» ордени ва В. И. Ленин юбилейи медали порлаб турибди.

Ўз касбининг устаси, завод ишлаб чиқаришини яхши билган Султон корхонада кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган. Одамлар ҳам, корхонадаги янгиликлар ҳам беш қўлдай унга таниш. Шунинг учун у ҳар бир машғулотни корхона ҳаёти билан, коммунистик меҳнат ҳаракати мактаби ҳаёти билан боғлаб олиб боришга, тингловчиларга пухта ва ҳар томонлама билим беришга ҳаракат қилади. Ахир ҳар бир тингловчи унинг машғулотидан маънавий озиқ, бирон янгилик олиши керак-да. Ҳозир унинг фикри-зикри мана шундай ўй билан банд. У ишчи ва деҳқонлар синфи совет жамиятининг етакчи кучи эканлигини ва уларни юзага келтириб чиқарган ижтимоий-сиёсий талаблар ҳақида тўлқинланиб сўзлар, корхона ҳаётидан мисоллар келтирарди.

## ИШЧИ СИНФИ — ЕТАКЧИ КУЧ

— Ишчилар синфи совет жамияти ишлаб чиқарувчи кучларининг негизини ташкил этади, — деди у. — Бу синф Россияда революцион кураш бўронларида чиниқди. Октябрь ғалабасини Владимир Ильич раҳнома бўлган партия бошчилигида шу синф амалга оширди. Совет ҳокимияти йилларида ишчи-деҳқон иттифоқи майдонга келди ва мустаҳкамланди. Коммунизм қурилиши авж олдирилган ҳозирги даврда ҳам бу синф етакчи куч бўлиб қолмоқда. Улар илм-фанни, техникани ҳар томонлама эгаллаган етук кишилар бўлиб камол топмоқда. Фан-техника революциясини ҳам мана шу синф амалга оширяпти. Буни ўз корхонамиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Заводимиз республикамиз саноатини янги техника билан жиҳозлаётган, ишлаб чиқариш самарадорлигини йил сайин ошириб бораётган, маҳсулот сифатини кўтараётган йирик корхоналардан бири. Неча минглаб ишчиларни тарбиялаб вояга етказган дўстлик маскани. Ишчиларнинг самарали меҳнати билан ўтган беш йилликда планга қўшимча равишда 22 миллион сўмдан кўпроқ сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилди. Цех ва участкаларда янги техникани жорий қилиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 баравар кўпайди.

Замон талабига қараб ишчиларнинг билим малакаси ҳам ўзгариб бориши керак. Корхонада кабель ўраш машиналарини, технологик линияларни, янги асбоб-ускуналарни ким бошқаради? Ишчи! Бунинг учун пухта билим ва малака сув билан ҳаводай зарур. Шунинг учун ишчи илм-фан, техника революциясини амалга оширишда етакчи куч ва байроқдор бўлиб қолаётир. Биргина 55-цехда бундан 5 йил илгари бирорта ҳам олий маълумотли мутахассис йўқ эди. Эндиликда, эса 9 олий маълумотли инженер, тажрибали мутахассис бор. Уларнинг сафи кенгайиб бораверади. Корхонада эса олий маълумотли мутахассислар сони 200 кишига яқинлашиб қолди.

Сизлар ишчилар синфининг муносиб вакиллари. Сизларнинг муносиб ворисларингизни тарбиялаб етиштириш ҳам корхона шароитида муҳим масала. Шунинг учун 150 киши ёш ишчилар тайёрлашга жалб этилган. Шогирдлар тайёрлаш учун бир ой ёки ярим йил вақт кифоя. Ўзларингга маълумки, шу муддатни ўтаган киши умумзавод ёки цех коллективининг йиғилишида ишчи жаноби олийлари сафига тантанали равишда қабул қилинади. Бу маросимга ҳар йили тантанали тус берилади. Корхонамиз маъмурияти ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари ёш ишчига меҳнат йўлланмаси беришади. Йўлланмада коллективнинг қалб сўзлари битилган наказлар бўлади. Ундаги наказлар ва биринчи маош олганлиги ҳақидаги хушхабар ҳам ота-онасига хат орқали етказилади. Сизлар ҳам ана шундай бўлиб сафга кирганcизлар.

## *«ТАШКЕНТКАБЕЛЬ» ЗАВОДИДА ИҚТИСОДИЙ ЎҚУВ ТАЖРИБАСИ ҲАҚИДА*

Корхонамизнинг ҳар бир ишчиси ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўзининг техникавий билими ва маҳоратини ошириб боряпти. Ҳозирги вақтда заводимиз бўйича 120 га яқин ёш кечки ишчи-ёшлар мактабида, 130 киши эса Тошкент политехникумида, 130 га яқин киши олий ўқув юртларида ўқимоқда. Ишчилардан 500 дан ортиқ киши ва қарийб 150 инженер-техник ходим корхона ҳузуридаги курсларда, тажриба мактабларида малака оширишяпти.

Энди ишчи-деҳқон синфининг мустаҳкам дўстлиги ҳақида икки оғиз сўз: ишчи-деҳқон иттифоқига улуғ доҳий В. И. Ленин асос солган. Ҳар икки синф ҳам бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Уларни сира ажратиб бўлмайди. Чунки, бу синф социалистик жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва моддий негизини ташкил этади. КПСС XXIV съездида ишчи ва деҳқонлар иттифоқининг совет жамиятидаги тутган ўрни, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш тўғрисида қимматли фикрлар баён қилинди.

Ҳа, бу икки синф бир-бирига жуда дўст ва ҳамкор! Буни заводимиз ҳаёти мисолидан ҳам билсак бўлади. Ишчи билан деҳқон бир онанинг фарзанди. Деҳқоннинг қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириши учун техника зарур. Буни эса ишчи яратади. Ҳосилни йиғиб-териб олишдан тортиб, то уни қайта ишлашгача бўлган барча процессни адо этишда у деҳқонга мадад беради. Бу йил республикамиз бўйича етиштирилган «оқ олтин» ҳосилининг 40 процентдан ошиқроғи машиналарда терилди. «Зангори кема» пахтакор меҳнатини енгил қилди, обрўсини кўтарди. Бу ишда заводимиз коллективининг ҳам муносиб улуши бор.

Ҳозирги студент техникани эгаллаб, пахтакорга мададкор бўлиш ташаббуси билан чиқмоқда. Ака-ука Шодиевлар бошлаган бу ватанпарварлик ташаббуси ҳозир республикамиз бўйлаб қанот қоқяпти. Сизларнинг муносиб ворисларингизнинг бугунги қиёфаси мана шундай.

Коммунистик қурилишнинг ҳар бир участкасида депутатлар, касаба союз ташкилотлари ва халқ контроли группалари роли катта бўляпти. Депутат — халқ хизматкори. Улар пастдан юқорига қараб халқ ҳокимияти органларига сайланади. Кабелчилар орасида ҳам бу юксак номга сазовор бўлган кишилар йўқ эмас. Корхонамиз ҳаётини касаба союз аъзоларининг иштирокисиз тасаввур қилиш қийин.

Улар ишчи-деҳқон ва интеллигенциянинг кўп миллионли вакиллари ҳисобланади. Касаба союз аъзолари халқ хўжалигининг ҳамма соҳасида партия ва ҳукуматимиз қарорларини бажаришда актив қатнашмоқдалар. Меҳнат унумдорлигини оширишда, маҳсулот сифатини яхшилашда ва фан-техника революциясини амалга оширишда новаторлик қилишмоқда.

Завод касаба союз комитети раиси Т. Чурикованинг ташаббуси билан цехлараро социалистик мусобақа кучайтирилди. Коллективда социалистик мусобақанинг янги формалари вужудга келди ва кенг йўл топди. «Қўли олтин уста», «Ўз касбининг устаси», «Энг яхши ёш ишчи» ва бошқа унвонлар учун мусобақа шартлари ишлаб чиқилди. 55-цех коллективи йил давомида мусобақада биринчи ўринни эгаллади. 8 киши «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган номга сазовор бўлди. Новаторлар тажрибаларидан келиб чиқиб, корхонада бу йил 26 та коммунистик меҳнат ҳаракати мактаби ташкил этилди. Бизнинг группамиз ана шу мактабнинг кичик бир тармоғи бўлиб, биз машғулотларда новаторлар тажрибаларини ўрганаётирмиз.

Коммунист В. Назаровнинг номини яхши биласизлар. У меҳнат унумдорлигини ошириш ва беш йиллик планларини муддатидан илгари уч ярим йилда бажариш ташаббусини бошлаб берди. Унинг бу ташаббусига заводда 600 дан ошиқ ишчи қўшилди. Сизлар ҳам мана шу ташаббуснинг издошлари. Заводда бундай новаторларнинг ишлари ҳақида кўплаб мисол келтириш мумкин.

Машғулот темаси тингловчиларнинг айни муддаоси бўлди. Охирида савол-жавоблар қизиб кетди. Тингловчилар коммунистик меҳнат ҳаракати ҳақидаги мулоҳаза ва саволлари билан актив қатнашдилар. Пропагандист Султон Исматов баъзи саволларга ўзи жавоб берса, айримларига тингловчиларнинг ўзини жалб этар, бу билан машғулотнинг қизиқарли бўлишини таъминлар эди.

У тингловчиларга, қани яна кимда савол бор, дегандек маъноли қараган эди, жуссаси кичикроқ, буғдойранг йигитча қўлини кўтариб қолди.

## НОВАТОРЛАР

**Алижон АҲМЕДОВ** — Бугунги машғулотда ҳаммамизнинг дилимиздаги гапларни айтдингиз, жуда хурсандмиз. Новаторлар ҳақида яхши фикрлар бўлди. Мени бу масала жуда қизиқтиради. Айтингчи, қандай киши новатор бўла олади? Шу ҳақдаги фикрларингизни шарҳлаб берсангиз?

**Пропагандист:** — жуда ўринли савол. Корхонамизда, газета-журналларда ишчилар синфи тўғрисида ва саноат корхоналари заҳматкашлари ҳақида кўп гаплар бўлади. Ишчи ишлаб чиқаришда бирор янгилик яратиш, уни амалга ошириш, ўз коллективига, корхонасига, жамиятга фойда келтириш тўғрисида ўйлайди, бош қотиради. Ўзи ишлаётган соҳани янада такомиллаштириш тўғрисида қайғурувчи изланувчидир. Доимо изланишга берилган одам янгилик яратмаслиги мумкин эмас. Мана шундай кишини новатор деймиз.

Новатор — мураккаб техника системасининг бутун бир комплексини бошқарувчи инженер савиясидаги тажрибали мутахассис. Бунинг учун у назарий тайёргарликка ва пухта билим, тажрибага эга бўлиши лозим. Заводда шундай кишилар борми? Бор. Масалан, 11-цехни олайлик. Бу ерда мисдан узлуксиз қуйиш ва прокат қилиш йўли билан сирти рангли катанка олиш қурилмаси ихтиро қилинди. Унинг авторлари цех технологи В. Алехин, заводнинг бош металлурги М. Иофф ва унинг ўринбосари Т. Степшенова ҳисобланади. Бу қурилма қанчалик муҳим ва фойдали бўлишига қарамай, уни ишлаб чиқаришга жорий қилиш қийин бўлди. Партия аъзолари Ю. Кабарден, В. Нудьга, С. Маҳкамовлар раҳбарлик қилаётган ижодий кучлар уларга ёрдам қўлларини чўзишди. Натижада қўшимча равишда мис катанка ишлаб чиқариш жорий этилди. Шундай қилиб, жаҳонда биринчи марта узлуксиз қуйиш ва прокат қилиш усули билан сирти рангли катанка олиш процесси комплекс равишда механизациялаштирилди. Бу янги технология бутун иттифоққа тарқалди. Эндиликда кўпгина чет мамлакатларга ҳам ёйилди. Янги установка халқ хўжалигига йилига 2, 3 миллион сўмни тежаш имкониятини бермоқда. Мана шундай кишиларни новатор дейиш мумкин. Техника жиловзи сизларнинг қўлингизда. Сизлар ҳам новатор бўлишларингиз мумкин. Жавоб қониқарлими?

— Раҳмат, — деди Алижон мамнун бўлиб.

— Яна кимда савол бор?

— Менда, — **Якуб Шабанов** билан **Виктор Савин** баравариға ўринларидан туришди. — Коммунистик меҳнат бригадаларининг қандай традициялари бор?

## МЕҲНАТ ТРАДИЦИЯЛАРИ

**Пропагандист:** — Икковингизнинг ҳам фикрларингиз бир ердан чиқиши бежиз эмас. Чунки бу муҳим масала. Коммунистик меҳнат бригадалари корхона ишлаб чиқаришида асосий ўринни ташкил этади. Бу дегани — меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишнинг ёрқин намунаси демакдир. Унинг ўз илдизлари бор. Унинг асоси Октябрь революцияси ғалабасидан кейин яратилди. Москвадаги Сортировочная станцияси темир йўл депоси ишчилари, кейинчалик эса Социалистик Меҳнат Қаҳрамони шахтёр Алексей Стахановнинг ватанпарварлик ташаббуслари майдонга келди. Совет ҳокимияти йилларида бу ҳаракат янада кучайди. 50-йилларда ўзига кенг йўл топди. Бу номга эришиш учун унинг шартларини бажармоқ керак. Хўш, унинг қандай шартлари бор? Меҳнатда ташаббускорлик кўрсатиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, бракка йўл қўймаслик, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим ва малакани ошириш, коллективда, оилада бир-бирини ҳурматлаш, дўстликни мустаҳкамлаш... Мана шу шартларга риоя қилган, уларни амалда бажарган коллективлар бу юксак номга сазовор бўлади.

Оталар бошлаган бу ташаббусни янги авлод давом эттиришяпти. 70-йиллар ишчилари бу ишни муваффақиятли уддалаб эстафетани қўлга олишган. Заводимизда ҳам ўнлаб коммунистик меҳнат коллективлари бор. Яна бир қанча бригадалар шу номни олиш учун курашаяптилар. Оталар меҳнатини, касбини севган, ардоқлаган ишчилар бизда озмунчами? Масалан, Якуб Шабанов, сенинг ўзингни олайлик. Сен цехда старший мастер бўлиб ишлайсан. Турмуш ўртоғинг Венера — экономист, синглинг София Железняк — синовчи кабелчи. Уларнинг ишчилар оиласига келишларига асосий сабаб сенинг ўзинг эканлигингни биламиз. Уларнинг ҳаммаси заводда ўз касбини севиб, ардоқлашяпти, демак, оталардан меҳнат эстафетасини қабул қилиб олиш, улар бошлаган ишни давом эттиришнинг ўзи коммунистик меҳнат ҳаракатининг традициялари ҳисобланади. Келажакда фарзандларимиз эстафетани биздан қабул қилиб оладилар, албатта. Уларнинг ҳамкорлиги, бузилмас дўстлиги ҳам ана шу традициянинг туб негизидир.

КПСС XXIV съездида мамлакатимиз халқлари ўртасида интернационал дўстликни мустаҳкамлаш ва улар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида қимматли фикрлар баён қилинган. Съезд қарорлари асосида корхона коллективи бошқа корхоналар билан дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамламоқда. Биз ўз заводимиз билан фахрлансак арзийди. Чунки, бу ерда турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек дўст бўлиб меҳнат қилишади. Бизда тайёрланаётган маҳсулотларни ҳозир жаҳондаги 25 мамлакат сотиб олаётир. Бу бежиз эмас, албатта. Унда дўстлик меҳнати, қалб қўри бор. Халқлар дўстлиги нималарга қодирлигини заводимиз мисолида кўриш мумкин.

Коллективимиз бир неча йилдан бери мамлакатимиздаги «Амуркабель» заводи билан мусобақадош. Яқинда коллективимизнинг ўзаро текшириш бригадаси ана шу заводда бўлди. Кўпгина тажрибаларни улардан ўргандик, ўзимиз ҳам ўргатдик. Сафар ҳар икки коллектив учун ҳам жуда фойдали бўлди.

Кабелчиларимизнинг социалистик мамлакатлар билан ҳам дўстлик алоқалари бор. Болгария, Венгрия, Германия Демократик республикасидаги кабелчилар билан тажриба алмашиш анъанага айланиб қолган. Мана шу дўстлик ва ҳамкорлик бундан кейин ҳам давом этади.

Пропагандист С. Исматов яна кимда савол бор, деб сўраган эди, лекин ҳеч кимдан бошқа савол чиқмади. Ҳамма бугунги машғулотнинг қизиқарли ўтганидан мамнун эди. Султон аканинг ўзи ҳам жуда шод эди.

## ҲАР БИР ИШЧИ ИНЖЕНЕР БЎЛСИН

Биз заводда ташкил этилган коммунистик меҳнат мактабининг машғулотидан яхши таассуротлар билан чиқдик. Бу ерда 26 та коммунистик меҳнат мактаби мавжуд. Уларда 492 ишчи иқтисодий-техникавий билимларини оширишмоқда.

Асримиз — атом асри. Илмий техника революцияси асридир. Ҳар бир ишчи замонавий янги техникани бошқариш учун энг камида ўрта техникавий маълумотга эга бўлган инженер бўлиши даркор. Шунинг учун ҳам «Ташкенткабель» заводи коллективи республикамизда биринчи бўлиб ҳар томонлама малакали кадрлар тайёрлашга киришган эди. Бу ерда ана шу соҳада кўпгина диққатга сазовор ишлар амалга оширилди.

Завод директори Ҳикматулла Раҳимович Алимов техникани яхши эгаллаган тажрибали мутахассис-раҳбар. У иқтисод фанлари кандидати деган илмий даражага ҳам эга. Раҳматулла ака завод партия комитетининг аъзоси, Тошкент шаҳар партия комитети ҳузуридаги директорлар кенгаши раиси ҳамдир. Олим, ташкилотчи раҳбар ҳар бир ишчини техникани эгаллашга, малакали кадр бўлиб етишишга даъват этмоқда. Бу ерда ҳозирги вақтда кўпчилик ишчи-мутахассислар техника тараққиётининг муҳим проблемалари устида илмий ишлар олиб боришяпти. 30 киши техника олий ўқув юрти аспирантураларида ўқишмоқда. Заводда янги техникани жорий қилиш соҳасида олиб борилаётган ишларни ишчи синфининг кўмагисиз амалга ошириб бўлмайди, албатта. Шунинг учун ҳам ишчиларнинг техникавий-иқтисодий билим ва малакаларини тинмай ошириб бориш корхона раҳбарлари, партия комитети ва касаба союз комитетининг биринчи галдаги вазифаси бўлиб қолаётганлигининг боиси ҳам шунда.

Партия иқтисодий сиёсатининг амалга оширилиши муносабати билан бу муҳим масалага корхонада катта эътибор берилаётир. Илмий-техника революцияси ва ишчиларга иқтисодий билим бериш ҳамда саноат экономикаси масалаларини пухта ва атрофлича ўрганишга доир муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди. Ана шу тадбирларга мувофиқ шу янги ўқув йилидан бошлаб заводда қолаверса, республикада биринчи бўлиб коммунистик меҳнат мактаблари ташкил этилди. Мактабнинг асосий мақсади завод ишчи-хизматчиларига, комсомол-ёшларга ҳар томонлама иқтисодий билим беришдир. Мактабнинг тўққиз кишидан иборат методик совети ҳам бор. Совет аъзолари корхона экономистлари, цех бошлиқлари, ишлаб чиқариш новаторлари, тажрибали инженер-техниклардир. Бу мактаб методик советининг раиси касаба союз комитети раисининг ўринбосари Владимир Влдродир. У коммунистик меҳнат мактаби пропагандистлари устидан контроллик қилиб боради. Мактаб машғулотлари икки йиллик программа асосига қурилган. Пропагандистлар машғулотларни жонли, корхона ҳаёти билан боғлаб олиб боришади. Методик совет аъзолари уларга тегишли ёрдам кўрсатишади. Практик ва назарий семинарлар ташкил қилишади. Пропагандистлар ўзаро тажриба алмашишади. Бундай тадбирлар эса иқтисодий ўқувнинг самарадорлигини оширишга ёрдам бераётир.

Завод партия комитети партия иқтисодий сиёсати масалаларига доир тўрт звено бўйича иқтисодий ўқувни ташкил этган. «Илмий техника революцияси — ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асоси» деган звенога корхона ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Иван Соколов бошчилик қилмоқда. Тошкент олий партия мактабининг доценти Борис Фофанов жамоатчилик асосида «Иктисодий самарадорлик — партия иқтисодий сиёсатининг муҳим масаласи» деган тўгаракни бошқаряпти. Бошқа звеноларда эса «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари», «Социалистик экономика асослари», НОТнинг асосий принциплари ўрганиляпти. Бундан ташқари заводда олдиндан мавжуд бўлган «Иқтисодий билим асослари» ва комсомол сиёсий маорифидаги «Ёшлар проблемаси ва илмий техника прогресси» назарий семинарларида ҳам партия иқтисодий сиёсатининг муҳим масалалари ўрганиляпти. Уларда 500 дан зиёд тингловчи қатнашмоқда.

Заводда марксизм-ленинизм ва халқ университетлари ҳам ишлаб турибди. Уларда ҳам 200 дан ошиқроқ тингловчи ўзининг иқтисодий-техникавий билим савияларини оширмоқдалар. Корхона бўйича 5 мингга яқин киши иқтисодий машғулотларда ўзларининг билим савияларини оширишяпти.

Завод партия комитети билан сиёсий маориф уйи кабинетининг ходимлари 1971—1972 ўқув йили учун бир қатор амалий тадбирларни ишлаб чиқди. Белгиланган тадбирларда иқтисодий ўқувнинг самарадорлигини ошириш кўзда тутилган. Пропагандистлар семинарларида «Партия XXIV съезди ва илмий-техника революцияси», «Партия пропагандаси санъати», «Партия пропагандасининг ленинча принциплари» деган темаларда ҳар ойда бир марта машғулотлар ўтказилиб турилибди. Бу тадбирлар заводда ишчиларга иқтисодий билим беришнинг самарадорлигини янада оширишга, меҳнат унумдорлигини кўтаришга, коммунистларни ташаббускорликка даъват этмоқда.

Партия иқтисодий ўқувининг самарадорлигини оширишда ва меҳнаткашларга кенг иқтисодий билим беришда «Ташкенткабель» заводи партия комитетининг қилаётган ибратли ишлари диққатга сазовордир. Бу ишлар республикамиз саноат корхоналари ва муассасаларига намуна мактаби бўлиб қолиши шубҳасиз.

**М. ЖАЛОЛОВ,**
**А. АҲМЕДОВ.**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.**

